

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 81 (6822)
1997 йил 18 октябрь шанба

Сотувда эркин
нариқда

вонч қўшди.

Учрашув гимназиямиз мадҳияси билан бошланди. Мадҳияни 6-синф ўқувчиси Зоҳида Нажмиддинова ўзган. Унга Абдужаббор Халилов кўй бас-талаган:

Кўк юзин ёритар минглаб
юлдузлар,
Ер юзин яшнатар ўғил ва

ФАРҒОНИЙ МАРДОНА
РУҲИ БИЗГА ЁР...

Биз— Богдод юлдузи—юрт
қизлар.
ўғил-қизи,

Биз билан порлагай шул
Ватан юзи.

Нақорат:
Юраимиз илгари,
қадамлар чақин,
Истиқлол бизники,
йўлимиз ёрқин.
Ватанни севаимиз,
имонимиз бор,
Фарғоний мардона руҳи
бизга ёр.

Билимдон бўламиз,
қайнаб тошамиз
Ойни ҳам оламиз, ундан
ошамиз.
Бахтиёр авлодимиз, ўқиш
бурчимиз,
Илму фан йўлида
сарфдир кучимиз.

Нақорат:
Ана шундан кейин
Қаҳрамонимизнинг
ҳаёт йули ҳақида туман
халқ таълими бўлими
муdiri Дамира Юсупова
сузлаб берди.

Уз навбатида, ўқувчилар ҳам Манзура опани табриклаб шеър ва қўшиқлар куйладилар. Суз Манзура опага берилди. Улар уз маърузаларида келажаги буюк булган Ватан фарзандларини чуқур билим эгаси бўлишга чақирдилар.

Учрашувда Богдод тумани ҳокими, Республика Олий Мажлиси депутаты Абдуқаҳор Абдусаматов, гимназия директори халқ таълими аълочиси Машрабжон Абдурахмонов, ўғил болалар лицей интернати директори Тулқинжон Каримов иштирок этишди.

Саноатхон ҲАЙДАРОВА,
Фарғона вилояти Богдод
туманидаги
Иқтисодиётга
йўналтирилган гимназия
муаллими



БИЗНИНГ ЗОҲИДА ОПА

Тил-адабиёт ўқитувчимиз Зоҳида опа мактабга қандай келишимизу қандай кетишимиз, кийинишимизу юриш-туришимиз, кайфиятимизу қизиқишимиз — ҳамма-ҳаммасидан бохабарлар. Шунинг учун булса керак, синфимиздаги қизлар ҳам, ўғил болалар ҳам узаро «Зоҳида опам айтдилар, боққа узум узишга чиқаркансан», — десак, бир-биримизнинг гапимизни бажарамиз. Ахир Зоҳида опамиз айтганлари биз учун қонун! Чунки улар ўзларининг билим беришлари-ю бизларга курсатган меҳр-мурувватлари билан меҳримизни қозонганлар. «Бу йил туққизинчи синф бўлдинглар. Ўсмирлик даври учун ҳам «Тонг юлдузи» ҳақиқий маслаҳатчи. «Қулоғингга гапим бор», «Нафис мажлислар»ини ўқишинглар керак. Шунинг учун газетага обуна бўлинглар», деб айтдилар яқинда. Буни эшитдим, дарҳол богбонларга кумак чоғи узум узиб, мева-сабзавот йиғим-теримида тушлаб юрган пулимни ҳеч иккиланмай обуна учун севиниб олиб чиқдим. Синфдошларимнинг кўпчилиги — бири ялтироқ тақинчоғидан, бири ора кунда сотиб оладиган хориж кассеталаридан, бири чет эл сақичидан орттирган пулларини обуна учун деб олиб чиқибди. Қанийди ҳамма ўқитувчилар ҳам бизнинг Зоҳида опага ухшашса!

Гулчеҳра САЙДОЛИМОВА,
Тошкент вилояти Хасанбой қишлоғидаги
19-мактаб ўқувчиси

Обуна — 98

Эрта тонгданоқ гимназиямиз ҳовлиси байрамона тус олди. «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвонига сазовор булган Қўқон шаҳридаги 10-урта мактабнинг математика фани ўқитувчиси Манзура опа Мамадалиева билан булган учрашув болалар қувончига қу-

Бу йил биз обунага узимиз пул тушладик. Очиғи, бултур «Тонг юлдузи»га обуна нархи бизга қимматлик қилганди. Обунага йул харажатлари қўшилиб, биз тарафларда газета пойтахтдагига нисбатан икки марта қимматга тушаётганди. Бу йил ана шу йул ҳақини тулашни давлатимиз уз зиммасига олганини газетадан ўқиб хурсанд бўлдим. Болалар газета ўқисин, илмли, билимли бўлсин, деган давлатимизга раҳмат. Ота-оналаримизнинг орзуси яна ушаладиган бўлди. Мактабдошларимиз мураббийлари-

ҲАР БИР СИНФ — ЎНТАДАН...

мизнинг катталар меҳнатини қадрлашга ургатишганини пахта терими мавсумида исботлаймиз. Дарсдан буш пайтимизда далага чиқамиз. Ҳар биримиз тушдан кейин 20-40 килодан пахта терсак, биласизми, ун кунда қанча терамизу пахталар неча сум бўлади? Она шахримиз — Бухоронинг туйи тантаналарида ота-оналаримиз меҳнату заҳматлари эвазига етиштирилган пахталар териб олиниб, меҳрибонларимиз кўнгиллари хотиржам бўлиб байрам қилишсин, деймиз-да. «Тонг юлдузи» газетасига ҳар бир синф унтадан обуна бўлмоқчи. Уйлаб қаранг: ҳар бир мактабнинг ҳар бир синфи унтадан обуна булса, катта минбарга айланарди газета! Бу ҳақда уйлаб қўриш керак.

Мен тенгдошларимни сеvimли газетамизга обуна бўлишга чақираман!

Озода ҲИКМАТОВА,
Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги
15-мактаб ўқувчиси



Обуна — 98

Bu yil obunaga o'zimiz pul to'pladik. Ochig'i, bultur 'Tong yulduzi' ga obuna narhi bizga qimmatlik qilgandi. Obunaga yo'l xarajatlari qo'shib, biz taraflarda gazeta poytaxtdagiga nisbatan ikki marta qimmatga tushayotgandi. Bu yil ana shu yo'l haqini to'lashni davlatimiz o'z zimmasiga olganini gazetadan o'qib xursand bo'ldim. Bolalar gazeta o'qisin, ilimli, bilimli bo'lsin, degan davlatimizga rahmat. Ota-onalarimizning orzusi yana ushaladigan bo'ldi. Maktabdoshlarimiz

HAR BIR SINIF — O'NTADAN...

murabbiylarimizning kattalar mehnatini qadrlashga o'rgatishganini paxta terimi mavsumida isbotlayapmiz. Darsdan bo'sh vaqtimizda dalaga chiqayapmiz. Har'birimiz tushdan keyin 20—40 kilodan paxta tersak, bilasizmi, o'n kunda qancha teramizu paxtalar necha so'm bo'ladi? Ona shahrimiz — Buxoroning to'yi tantanalarida ota-onalarimiz mehnati evaziga etishtirilgan paxtalar terib olinib, mehrbonlarimiz ko'ngillari xotirjam bo'lib bayram qilishsin, deymiz-da. 'Tong yulduzi' gazetasiga har bir maktabning har bir sinfi o'ntadan obuna bo'lsa, katta minbarga aylanardi gazeta! Bu haqda o'ylab ko'rish kerak.

Men tengdoshlarimni sevimli gazetamizga obuna bo'lishga chaqiraman!

Озода ҲИКМАТОВА,
Бухоро вилояти Ғиждувон
туманидаги 15-мактаб
о'қувчиси



Донишманддан: «Қайси юртнинг келажаги буюк», — деб сўрашса, «Болалари билимдон юртнинг», — деб жавоб берган экан. Бу гапда чуқур ҳикмат бор. Мустақиллик йўлидан доволаниб бораётган юртимизда ёшларга илм олиш учун кенг йўл очиб бериляпти. Улар учун алоҳида мактаблар, лицей, коллежлар ташкил қилиняпти.

Ўқитувчилар байрами арафасида Тошкент шаҳар Юнусобод туманида очилган 325-Шарқшунослик лицейи шулар жумласидандир. Лицей директори Шавкат Ориёвни бундай масъулиятли иш билан табриклар эканмиз, суҳбатимиз ўз-ўзидан ана шу даргоҳ келажаги ҳақида бўлди.

— 200 ўқувчига мулжалланган лицей ташаббускори — Тошкент Шарқшунослик институти бўлди.

Шу йилнинг 2 октябрь кунини биринчи дарс бошланди. Танлов асосида 8-синфдан бошлаб ўқувчилар қабул қилинди. Илгари бу бино боғча эди, Юнусобод туман ҳокимлиги ёрдамида қайта таъмирдан чиқарилди. Ҳозир унинг ян-

содий, маданий алоқаларимиз тобора кучайиб бораётган ҳозирги замонда ана шу тилларни биладиган мутахассисларимиз камроқлиги сезилиб қолди. Қолаверса, форс, турк, араб, ҳинд тиллари ўқитилади. Ҳар бир синф ўқувчилари тил ўрганиш жараёнида икки гуруҳга бўлинади. Шарқ тиллари ҳафтасига 7 соатдан ўқитилади. Шулар қаторида умумтаълим мактабларида ути-

Илм—ўзини билмакдир

ладиган барча фанлар ўргатилади. Урф-одатларимиз, қадриятларимизни ўргатиб бориш учун ҳафтасига бир соат «Маънавият



нат. Меҳнат эса роҳат эмас. Меҳнатнинг таги роҳат бўлиши мумкин. Кимки чидам билан меҳнатга лаёқат курсатмас экан, унга узига мос «мундайроқ» мактабга қайтишни маслаҳат берамиз холос. Дарсларни қизиқарли ўтишга ҳаракат қиладиган тажрибали мураббийларимизнинг 80 фоизи

аввало, компьютер тугаргини ташкил қилмоқчимиз. Шарқшунослик институтининг тажрибали муаллимлари компьютер ёрдамида болаларга тил ўргатишади. Бундан ташқари, элчихоналар, чет мамлакатлар болалари билан алоқа боғлашни режалаштиряпмиз. Хуллас, келгусида

ЎҚИШ — МЕҲНАТ, МЕҲНАТ — РОҲАТ ЭМАС...



ги қурилган бинодан фарқи йўқ. Синф хоналари шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари ёрдамида замонавий техника билан жиҳозланди. Барча ўқувчиларидан жаҳон улчамлари

асослари»дан сабоқ берилади.

— Ҳар бир дарс 80 минутдан иборат экан. Ўқувчилар чарчаб қолишмаяптими?

— Бир кунда 6 соатча дарс утилади. Ўқиш — меҳ-

Шарқшунослик институти муаллимларидир.

Дарслар эрталаб туққиздан бошланса ҳам, ўқитувчилар саккиз яримдаёқ йиғилишади, кечаги кун таҳлили, эртанги кун режасини белгилаб оламиз. Ўқувчилар республикамиз ҳамда шарқ мамлакатларига доир ахборотларни ўзбек ҳамда урганаётган тилларида янгиликлар билан ташиштирадilar.

— Ўқувчиларнинг тушдан кейинги вақти қандай ўтади? Тўғараклар дегандай...

— Албатта. Ҳар қандай лицейни тўғаракларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Энг


ўқувчиларимиз кенг билимли, мушоҳадали мутахассислар бўлиб етишишлари учун бор куч-гайратимизни ишга соламиз.

Юнусобод туманидаги 325-Шарқшунослик лицейи ишлари билан яқиндан танишар эканмиз, унинг келажагига умид боғладик. Ўқитувчилар ўз ўқувчиларига кенг шароит яратиб, керакли, етарли билим берадилар. Ўқувчилардан эса пухта билим олиш. Мирзо Бедилд ёзганидек:

Забт этайин десанг сен илму ҳунар,

Инсоф, камолни эт ўзингга раҳбар.


Феруза ОДИЛОВА
Сураткаш: Даврон АҲМАД




даражасида билим бериш, одоб-ахлоқ ва инсоний сифатларни, халқимизга муносиб хислатларни ўқувчига сингдириш лицей жамоасининг асосий бурчидир.

— Ўқувчилар қайси тилларни ўрганмоқдалар?

— Фан сифатида инглиз тили утиляпти. Япон, корейс тилларига кенгроқ эътибор берапмиз. Негаки, Япония, Курия давлатлари билан сиёсий, иқти-





МУРҲАК КҮНГИЛ КҮЧАЛАРИ

Улғайиш

Болалар қарийб бир хил бўладилар, бир хил улғаядилар. То катталар қаторига киргунларича уларнинг ўй-хаёллари, қизиқишлари ҳам бир-бирлариникидан унчалик фарқ қилмайди. Қани, бир фараз қилиб кўрайлик-чи, улар нималар ҳақида ўйлашаркин:

ТУҒИЛИШДА — Ёе, бунча ёруғ бу дунё...

ОЛТИ ОЙЛИКДА — Одамларга ҳам ҳайронсан, тўрт оёқлаб оппа-осон юриш мумкин бўлсаям икки оёқлаб лўкиллашади-я...

БИР ЁШДА — Икки оёқлаб ҳам юриш мумкин экан-да!

ИККИ ЁШДА — Нега мен ҳаммадан паканаман?

УЧ ЁШДА — Аям билан дадам учун қанди ширинроқмикан ёки менми?

ТҮРТ ЁШДА — Боғча опамдан аям яхши...

БЕШ ЁШДА — Ўнгача санашни ўрганволдим.

ОЛТИ ЁШДА — Дадам йўғида аямнинг додини бераяпман. Ҳа, нима, ҳадеб гапга кирмайсан деяверадиларми?

ЕТТИ ЁШДА — Икки сонини ҳаммадан чиройли ёздим.

САККИЗ ЁШДА — Салим ҳалиям «р» ни «й» дейди.

ТУҚҚИЗ ЁШДА — Кечаси кучугим ҳам мен билан бирга ётса-ю...

ЎН ЁШДА — Математика қийин экан...

ЎН БИР ЁШДА — Нега ҳадеб Дониёр синфком бўлаверади?

ЎН ИККИ ЁШДА — Карим китобимни йиртиб кўювди, бошлаб тумшугига туширдим.

ЎН УЧ ЁШДА — Эҳ, югуришда биринчи ўринни ололмадим-да.

ЎН ТҮРТ ЁШДА — Дадамга айтиб Ҳотамни-кидақа шим олдираман.

ЎН БЕШ ЁШДА — Наргиза синфимизда энг чиройли қиз...

ЎН ОЛТИ ЁШДА — ХАЙР, БОЛАЛИК...

Наби ЖАЛОЛИДДИН,
Андижон вилояти

Фаройиб одамлар

Болалар, орангизда мураккаб ҳисоб-китобларни ёддан — ҳаёдан бажара оладиган ноёб қобилиятли ўқувчилар бор. Қўп хонали соннинг квадрат илдизини чиқара оладиган, туққиз хонали сонларни бир-бирига бемалол қўпайтирадиган, стол устида неча нухат донаси сочилганини бир қарашдаёқ айтиб берадиган тенгдошларингиз билан таништирмоқчимиз.

1951 йили Ҳиндистон ва Англия олимларини ҳайратга солган риёзиётчи-математик қобилиятини намойиш этиш учун 9 ёшли Ша-кунтали Девини АҚШ-га олиб келишади. Ово-зи аранг чиқадиган бу тортинчоқ ва нозиккина қиз 332812557нинг куб илди-зи 693ни бир лаҳзанинг беш-дан икки қисмида чиқа-риб, тез ҳисоблаш бўйича калькуляторлардан ҳам узиб кетди.

НОЁБ ҚОБИЛИЯТЛИ РИЁЗИЁТЧИЛАР

Янги Англияда туғилиб, 1814 йил туққиз ёшида Лондонга борган Зира Колберн ҳам даҳо риёзиётчилардан бири бўлган. Бу ерда у ҳайрато-муз томошалар кўрсата бош-лайди: 8 рақамининг 16-дара-жасини чиқариш учун Кол-бернга бир дақиқадан сал зиёд вақт керак бўлган холос. Жа-воб тугри чиқди — 281474976710656. Квадрат ил-дизларни бир лаҳзада чиқа-риб бериши билан эса у Ов-рупо одамларини ҳангу манг қилиб қўйган.

1867 йили туғилган Жак Иноди етти ёшидаёқ томо-ша қўйиб, куб илдишларни ва ҳатто бешинчи даражали ил-дизларни чиқара олган. 21 хо-нали сондан айнан шу хил бошқа сонни айириб ташла-ши учун унга икки лаҳза ҳам етиб ортган.

Сицилиялик ун ёшли Ви-то Мангнамеле Париж Фан-лар академияси аъзолари ҳу-зурига келтирилганидан ундан куб бешта квадрат жамла-масига тенг бўлган сонни айтишни сурашган. Болақай кўзларини пирпиратиб жа-воб қилганда, академиклар ҳам кўзларини пирпирати-шган экан.

Ҳамбурглик Иокан Дазе (1824-1862) сонлар салтанати-да даҳо эди. Жавонга қанча китоб теришгани еҳуд стол устига неча нухат донаси со-чилганини у бир қарашдаёқ аниқ айтиб берган. Қисқа да-қиқа ичида юз хонали иккита сонни бир-бирига қўпайтира олгани бу телба «ижоди»ни-нг чуққиси бўлган. Уриёзиёт-да олдий шартларни тушун-маса-да, олимлар илмий ҳи-собларда ундан фойдалан-ганлар.

Хуллас, бу хил риёзиётчи-лар дунёда биз ўйлаганимиз-дан анча кўпроқдир.

Қидирбой ТҶАЛОБОВ
тайёрлади

ОЙНАИ ЖАҲОН — БОЛАЛАРГА

Азиз ўқувчилар! 1997 йил 20 октябрдан 26 октябргача сизлар учун қуйидаги кур-сатувлар тайёрланди.
Марҳамат, томоша қи-линг!

ДУШАНБА, 20 ОКТЯБРЬ

УЗ.ТВ. I-Дастур
17.40. «Мозаика». Мульт-фильм.

20.10. «Оқшом эртакла-ри». Курсатувда болаларни одоб, ахлоққа чорловчи уз-бек халқ эртақларидан на-муналар берилади ва мульт-фильм намойиш этилади.

УЗ.ТВ. III-Дастур

18.45 «Мульткарусель».

СЕШАНБА, 21 ОКТЯБРЬ

УЗ.ТВ. I-Дастур

10.05 «Табиат алифбоси».

Курсатувда Тошкентда ян-ги ишга туширилган ҳайвонот богидан курсатув намойиш қилинади. Курса-тув давомида ҳайвонот бо-гига янги келтирилган ҳайвонлар билан таниша-миз.

18.20 «Тилимиз ҳам Вата-нимиздир». Ушбу курсатув-да ўзбек тилининг бойлиги ҳақида, ўзбек тилини ҳур-мат қилиш юзасидан бола-ларга ибратли суҳбат уюштирилган.

20.10 «Оқшом эртакла-ри».

УЗ.ТВ. 2-Дастур

18.20 «Ёрилтош» Мультгуп-лам.

УЗ.ТВ. 4-Дастур

18.50. Мульткарусель.

ЧОРШАНБА, 22 ОКТЯБРЬ

УЗ.ТВ. 1-Дастур

10.25. Янги алифбони урга-намиз.

11.40. «Бармоқлар сеҳри».

11.55. «Умид учқунлари».

Курсатувда Республиками-зинг Халқаро фан олимпиада кўрик-танловларида голиб бў-либ, «Олтин» ва «Кумуш» ме-далларга сазовор бўлган энг иқтидорли ўсмирлари ишти-рок этишади.

18.10. «Гулгунчалар». Кур-сатувда ёш раққоса қизлар иштирок этишади.

20.10. «Оқшом эртакла-ри».

УЗ.ТВ. 2-Дастур

18.20. «Ёрилтош». Мульт-гуплам.

УЗ.ТВ. 4-Дастур

18.45 «Мульткарусель»

20.10 «Дунё ва болалар».

Курсатувда чет эллик бола-лар ҳақида лавҳалар намойиш этилади.

ПАЙШАНБА, 23 ОКТЯБРЬ

10.30 «Алифбо сабоқлари».

12.00. «Қора қуён», мульт-фильм.

20.10 «Оқшом эртакла-ри».

УЗ.ТВ. 2-Дастур

9.00. «Синфдош».

18.15. «Жонли давра». Бо-лалар учун концерт.

УЗ.ТВ. 4-Дастур

18.45 «Мульткарусель».

ЖУМА, 24 ОКТЯБРЬ

10.30. Физика.

11.00. Немис тили.

11.30. Информатика ва ҳи-соблаш техникаси асослари.

18.10. «Мовий денгиз ку-пиғи». Мультфильм.

18.15. «Курраимиз болала-ри». Адабий-музыкали компо-зиция.

20.10. «Оқшом эртакла-ри»

УЗ.ТВ. 2-Дастур

09.00. «Жажжи давра». Бо-лалар учун концерт.

11.00. «Одобнома».

18.20. «Бугуннинг боласи».

УЗ.ТВ. 4-Дастур

18.45 «Мульткарусель».

19.30 «Умид чечаклари»

ШАНБА, 25 ОКТЯБРЬ

УЗ.ТВ. 1-Дастур

12.40 «Болаларга баҳшида умр». Курсатувда истеъдодли режиссёр Ғайрат Шокиров ижоди ҳақида ҳикоя қилина-ди.

19.50. «Оқшом эртакла-ри».

УЗ.ТВ. 2-Дастур

18.20. Боланинг тили.

УЗ.ТВ. 4-Дастур.

09.25. «Шанба эртаги».

12.20. «Биргаликда куй-лайлик».

13.30. Корейс тилини урга-намиз.

18.45. «Мульткарусель».

ЯКШАНБА, 26 ОКТЯБРЬ

УЗ.ТВ. 1-Дастур

8.25. «Камалак». Болалар учун кинодастур. «Муфа-сайл». Бадий фильм, 1 қи-см.

11.55. «Цирк! Цирк! Ци-рк!» Бу курсатувда сиз жа-ҳон цирк усталарининг энг сара дастурларидан тузил-ган лавҳаларни кўрасиз.

12.50. «Яшил чироқ. «Те-левизион ўйин. Курсатувда Қорақалпоғистон Республи-каси ва Хоразм вилояти ёш йул назоратчилари узаро беллашадилар.

14.20. «Нурли келажак». Усмирлар учун видеоканал. Курсатувда Республиками-задаги энг иқтидорли бола-лар ҳақида видеолавҳалар намойиш этилади.

УЗ.ТВ. 2-Дастур

18.20. «Болалар дунёси».

УЗ.ТВ. 4-Дастур

9.55 «Эртақларнинг сеҳр-ли олами.

16.00. «Мультэкран».

16.55. Инглиз тилини ур-ганамиз.

18.45. «Мульткарусель».

Бу ҳафта сизлар учун тайёрлаган курсатувларимиз ана шулардан иборат.

Курсатувларимиз ҳақида-ги фикр ва мулоҳазаларин-гизни кутамиз, азиз газет-хон ўқувчилар — ойнаи жа-ҳон қаршисида утирган ёш телетомошабин мухлислар!

Сизга таниш
Тоҳир МУЛЛАБОВ

Қишлоғимизда «Очил дойи» деган бир девона киши яшайди. (Бизда — Хоразмда, тоғани ҳурматлаб «дойи» дейишади). У нукул узича бақириб-чақириб кимларнидир ҳайдаб, кимларнидир қувиб юради. Бир куни укам билан уни аҳмоқ қилмоқчи бўлдик. Унга «дойи, қочинг, темиртирноқ келяпти» деган эдим, жонҳолатда қоча бошлади. Бунни билиб қолган бувим «Беҳзод, бу ёққа кел», деб жаҳл билан чақириб олдилар. Олдиларига борган эдим, уялмайсамми, узингдан каттани аҳмоқ қилгани, ахир у ҳам худонинг бир беозор бандасику болам, деб мени уришиб бердилар. Унга нима қилган, буви, айтиб беринг, ҳўп дея қолинг, деб укам бувимдан сўрай бошлади. Ундай бўлса эшитинглар, деди бувим.

Асли Очил девонанинг исми Очил эмас, Матназардир. Оиланинг тўнғич бола-


«ҚОЧ, ТЕМИРТИРНОҚ КЕЛЯПТИ»

си бўлиб, у тугилган йиллар юртда очарчилик бошланган эди. Матназарнинг чилласи чиққан кезлар азбаройи камбағалликдан, очарчиликдан

уйларида егани ҳеч нарса қолмабди. Шунда мажбур бўлган онаси қирқ кунлик бола-

Кунлардан бир кун

та тутга арқон солиб беланчак ясабди-да, қулидаги болани ушанга солиб ухлатиб қўйиб, узи машоқ тергани далага тушиб кетибди. Қопини тўлдириб ўғлини эмизга-



сият жойга ухлатиб кетибсан. Энди бунинг отини қайтаргинда, «Очил» қўйгин. Яхшилаб ўқитгин, ажабмас, тузалиб кетса», дебди. Онаси унинг айтганини қилиб, Очилжон деб исм қўйибди. Боланинг афти-ангори асл ҳолига келибди-ю, лекин ақлу ҳуши жойига тушмабди. У нукул «темиртирноқ келяпти, ана ҳозир улдиради, қувинглар», деб бақирадиган, кейин жонҳолатда қочадиган бўлиб қолибди. Биргина у эмас, кечаси уша ердан ўтган қўпгина кишилар қўрқиб шайтонлаб касал бўлиб қолганлар. Шунинг учун ҳам Очил шўрлик жонҳолатда улардан қочадиган ва уларни бақириб-чақириб сўкадиган бўлиб қолган. Айтишларича, ажиналар ёш гудакка жуда ўқ бўлишаркан. Улар уша ёш боладан куч олишаркан. Шунинг учун ҳам сизлар бемаҳалда уйнаманглар. Ўзларингга эҳтиёт бўлинглар, болаларим, деб бувим ҳикояларини тугатдилар.

Беҳзод ВАФОЕВ,
Хоразм вилояти
Шовот туманидаги
Тараққиёт номли
мактаб ўқувчиси

ЎША СИЗСИЗ, МУХТАРАМ УСТОЗ!

Устоз сузини эшитиш қандай ёқимли. Кимдир «устоз» деб мурожаат қилиши учун озмунча меҳнат қилиш керакми? «Менинг шогирдим...» деб исмларни санаган ўқитувчилар қўп, аммо уша ўқитувчини у раҳбарлик қилган синфда қачонлардир таҳсил олган, шўҳрат тошган шогирдлар «менинг устозим» деб тан олиши учун нимадир камдек, нимадир етишмайдигандек... Устозлар байрами муносабати билан биринчи ўқитувчиси, тарбиячи еки касб-ҳунар ургатган, бирор фан оламига етаклаган устозларини шогирдлар ёдлайдиган бўлишди. Бундай байрамнинг ҳар йили нишонланиши қўп вақт устозу шогирдлар кўнглига шўъла, қувонч солиши шубҳасиз.

— 75 ёшга тулишим билан шогирдим Олим Маҳкаммов «Уша сизсиз, меҳрибон устоз!» деб менга шеър ёзибди, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Ҳамидулла Йўлдошев. — Бу табрикни айниқса ўқитувчилар кунинда эшитишим бошимни кўкка етказди. Шогирд каломи устознинг чинакам бахти эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Қувончимни ба-

ҳам кўриб, шогирдим, шогир Олим Маҳкаммовнинг шеърини рўзномангизда боссангиз...

Бу шеър шогирднинг устозга ҳақиқий каломи, илмга ташна кўнглилар саломи бўлсин!

Олим МАҲКАМОВ
(Устозим Ҳамидулла
Йўлдошевга)

Унинг меҳри мисоли Қуёш,
Нур таратар дили, юзидан.
Тутри йўл танлади ҳар

бир ёш,

Қувват олиб унинг сузидан.
Унинг номи ҳар ерда эъзоз,
Уша Сизсиз, мухтарам

Устоз!

Донишмандлар булади
камтар,
Шу камтаринлик унга ярашар,

Куча-қуйда кўрса кекса-ёш
Унинг билан тўхтаб

сурашар.

Ҳар бир дилни қилар
дарров ёз,
Уша Сизсиз, мухтарам

Устоз!

Убир зотки, ўзи бир мактаб,
Ибрат олмоқ ҳавас ҳар

дилга.

Қилган иши ҳаммага ёқар,
Меҳр билан боқар кишига.
Бунга сира қилманг

эътироз,

Уша Сизсиз, мухтарам

Устоз!

ни олиб машоқ тергани далага чиқибди. Уша пайтда бугдойлар уриб бўлинган. Айни машоқ териладиган вақтлар экан. Бугдойзорнинг ёнгинасидан атрофини толлар ва тутлар ўраган катта ариқ оқиб ўтаркан. Маҳфират ая икки-

ни келса, бола бечоранинг оғзи қийшайиб, ўзи сулайиб қолганмиш. Она шўрлик нима қилишни билмай, боласини кутарганча кенг даланинг у бошидан-бу бошига чопармиш. Шунда қишлоқнинг қори бобоси «болангни беҳо-

Бобомнинг энг яхши набирасиман, деса-сам муболага қилган бўлмайман. Бобом менинг ҳамма эркалимни кутаради. Болалигимда менга қўшилиб қувлашмачоғу беркинмачоқ уйнардим. Варраклар ясаб берарди. Энг қизиги, мен мактабдан қайтиб келишим билан: «Ўғлим, бутун баҳонгиз беш бўлдимми?» — дерди. Мен аъло баҳо олган бўлсам дарров сумкамдан дафтаримни ола солиб бобомга тутардим. У дафтаримдаги «беш» ни кўриб шундай дерди: «Баракалла, ўғлим, баракалла. Сенинг «беш» олишингни билгандек камзулимдаги ун сум пул тўрт-беш танга «туғибди», ма, ол ўғлим». Мен бу каби илтифотларга жуда урганиб қолган эдим. Ҳамма фанлардан «беш» олишга ҳаракат қилардим.



Уртоқларим уйнагани чақириб келишса ҳам бормасдим. Нега дейсизми? Агар мен «беш» олиб келмасам, бобомнинг пуллари «туғмасди-да». Жуда ҳам қаттиқ дарс қилмоқча берилиб кетсам, бобом журналаринг билан ҳам уйнагин, деб қуярди.

Кунлардан бир кун она тили ҳамда математика

фанларидан «беш» олдим. Дарс тугаши билан ҳеч нарсага қарамай уйга томон чопдим. Ахир, бобомга мақтанишим керак-ку. Уйга кирсам бобом ариқ бўйида қўлларини юваётган эканлар.

Азбаройи қувонганимдан баланд овозда: «Ассалому алайкум, бобожон, бутун...» — деб сузимни тугатмасимданоқ елкамга таёқ тушди.

— Қўрқитиб юбординг-ку. Узоқроқдан овоз чиқариб келсанг бўлмайдами, тентак бола, — дедилар жаҳл билан.

Ростини айтсам, ушанда бобомдан хафа ҳам бўлгандим. Бироқ елкамга тушган таёқ мен учун ҳақиқий сабоқ бўлиб қолди.

Файрат МАЖИД,
Ўзбекистон радиоси
«ЁШЛИК»
муҳарририяти

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТЕУОТ КЎМИТАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОВ, Дадаҳон
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0668.
10960 нусхала босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топширини вақти 19.00
Топширилди — 18.30
Наибатчи муҳаррир М.Муродова

• Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Маъзилар: 700083,
Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кучаси,
32-уй.
• Нашр курсаткичи: № 64563
• Телефон:
• 1-33-44-25